



ИММУНИТЕТ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

О.С.Муқимбаев

Сирдарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқарма бошлиғининг ўринбосари-таҳлил ва назорат бўлими бошлиғи
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8216861>

ARTICLE INFO

Received: 24th July 2023

Accepted: 30th July 2023

Online: 31th July 2023

KEY WORDS

Иммунитет, ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, гувоҳ, қонун, жиноят процессуал кодекси.

ABSTRACT

Ушбу мақолада иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми очиб берилган, иммунитет тушунчаси, иммунитет ҳуқуқи кимларга берилиши, иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларни ишни судга қадар юритиш ёки суд жараёнида гувоҳ сифатида жалб қилиш ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши ёритилган, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар қонунлари ҳамда жиноят процессуал қонунчилиги таҳлил қилинган.

Иммунитет сўзи латинча “immunitas” сўзидан олинган бўлиб, қутулиш, холос бўлиш, холи бўлиш маъноларини билдиради. Иммунитет тушунчаси тиббиёт соҳасида ҳам, ҳуқуқ соҳасида ҳам, халқаро ҳуқуқда ҳам кенг қўлланилади.

Иммунитет тушунчаси ҳуқуқ соҳасида қўлланилиши маълум доирадаги ҳуқуқ субъектларининг умумий ҳуқуқий нормалар таъсиридан озод қилинишини билдиради.

Халқаро ҳуқуқда, давлатнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, ҳарбий кемаларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқи, давлатнинг денгиз савдо кемаларининг дахлсизлик ҳуқуқлари мавжуд.

А.Саидовнинг таъкидлашича, давлат иммунитети – тегишли давлатлараро ҳуқуқий муносабатлар моҳиятининг жамланган кўриниши. Халқаро ҳуқуқда давлат иммунитети барча давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилувчи давлатлараро муносабатларнинг тамойилларидан иборат.

Иммунитет тамойили- ҳар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясидан иммунитет ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Иммунитет юрисдикцияни истисно қилиши ёки ундан озод этилишидир. Шубҳасиз, ҳар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясига бўйсунмайди.

Жиноят процесси принциплар тизимига асосланади, жумладан қонунийлик, одил судловни фақат суд томонидан амалга оширилиши, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги ва бошқа тамойиллар. Ушбу тамойилларни амалга оширишнинг ўзи фақат айрим ҳуқуқий институтларнинг нормал фаолият юритиши орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай институтлардан бири иммунитет институти бўлиб, унинг асосий мақсади фуқароларнинг айрим тоифаларининг қонуний ҳуқуқ ва



манфаатларини ҳимоя қилиш учун тақдим этилаётган қўшимча кафолатларни кучайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам айрим тоифадаги шахсларга иммунитет ҳуқуқлари берилган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентига, депутатларга, Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига, ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига, судьяларга, прокурорларга, адвокатларга, Миллий гвардия ходимларига, Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига, шунингдек чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ҳамда консуллик ваколатхона ходимларига ва бошқа халқаро ҳукуматлараро ташкилот ходимларига иммунитет ҳуқуқлари берилган.

Ўзбекистон ҳудудида чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ходимлари, чет эл давлатларининг консуллик ваколатхона ходимлари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимлари, чет эл давлатларининг бошқа вакиллари иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Уларнинг иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиш тартиб-қоидалари 1961 йилдаги Дипломатик муносабатлар ҳақидаги [Вена](#) конвенциясида, 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари ҳақидаги Вена конвенциясида, 1973 йилдаги БМТ Бош Ассамблеясининг Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, жумладан дипломатик агентларга [қарши](#) қаратилган жинойтлар олдини олиш ва улар учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясида, 1947 йилдаги БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларга бериладиган иммунитетлар ва имтиёзлар тўғрисидаги битимда ва бошқа ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган.

Юқорида қайд этилган шахсларга берилган иммунитет ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, жинойт ва жинойт процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги, 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги, 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, 2004 йил 27 августдаги “Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили тўғрисида”ги, 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси тўғрисида”ги, 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги, 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги, 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 майдаги “Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари, Консуллик муассасаларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ҳамда улар



ходимларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти тўғрисида”ги Қарорлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида иммунитет ҳуқуқига эга бўлган депутатларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)ни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни ва прокурорларни жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган, бироқ уларнинг ишни судга қадар юритиш босқичида ёки суд босқичида гувоҳ сифатида жалб қилиш тартиби белгиланмаган ва уларнинг гувоҳлик иммунитетини мустаҳкамланмаган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида иммунитет ҳуқуқида фойдаланувчи айрим ҳуқуқ субъектларининг гувоҳлик иммунитетлар мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида судьяни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга фақат тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилиги билан йўл қўйилиши, Ўзбекистон Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисидаги қонунда эса Ўзбекистон Республикасининг экс-Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатлар учун сўроқ қилиниши мумкин эмас деб кўрсатиб ўтилган ва аниқ тартиблари белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2001 йил 8 майдаги “Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари, Консуллик муассасаларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ҳамда улар ходимларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти тўғрисида”ги 207-сон қарорида дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик ваколатхона аъзолари гувоҳлар сифатида кўрсатма беришга мажбур эмаслиги, бундай кўрсатмалар беришга рози бўлишганда эса улар бунинг учун суд ёки тергов органларига келишга мажбур эмаслиги, Консуллик муассасаси ходимлари суд ишларини ёки маъмурий ишларни олиб бориш чоғида гувоҳлар сифатида чиқарилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур ҳолатлар бўйича хорижий давлатлар қонунчилигига қарайдиган бўлсак, Россия Федерациясининг 1994 йил 8 майдаги “Россия Федерацияси сенаторининг мақоми ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунида Россия Федерациясининг сенатори, Давлат Думаси депутати ўз ваколатларини амалга ошириши муносабати билан уларга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида фуқаролик, маъмурий ёки жиноий иш бўйича кўрсатув беришни рад этишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Россия Федерациясининг жиноят процессуал қонунчилигида ҳам судьялар, адвокатлар ва депутатлар ўзларига маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Германия Федератив Республикасининг жиноят процессуал қонунчилигига кўра, Германия Бундестаги, Бундесрати, Маҳаллий парламентларнинг юқори ёки қуйи палаталари депутатларини сўроқ қилиш сессиялар давомида парламент жойлашган



жойда, федерал ва маҳаллий ҳукуматлар аъзоларини сўроқ қилиш давлат органи биносида, агар улар давлат органи биносида бўлмасалар улар жойлашган жойда ўтказилиши, мазкур қоидаларни четлаб ўтган ҳолатда сўроқ қилиш учун улар мансуб бўлган органнинг ёки ҳукуматнинг розилиги зарурлиги, шунингдек қонунчилик органи депутатлари, федерал ва маҳаллий ҳукумат аъзолари суд мажлисига чақирилмаслиги, уларни сўроқ қилиш баённомаси суд мажлисида судья томонидан ўқиб эшиттирилиши белгиланган. (ГФР ЖПК 50-§)

Бундан ташқари, Германияда касбий хусусияти ва мансаб лавозимига кўра, Германия Бундестаги, Федерал Мажлис, Европа парламенти ва маҳаллий парламентлар депутатлари ўзларига ишониб топширилган фактлар ҳамда шу каби фактлар ишониб топширилган бошқа депутатлар тўғрисида гувоҳлик кўрсатмаси беришдан бош тортиш ҳуқуқи берилган. (ГФР ЖПК 53-§)

Францияда жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошираётган тергов судьяси гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган. (Франция ЖПК 105-м).

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бизнинг қонунчилигимизда ҳам иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ва гувоҳлик иммунитетини мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Фикримизча Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига қўйидагича қўшимчалар киритиш лозим.

Жиноят иши бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга чақиртириш учун,

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосини — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги билан;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсман) — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги билан;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни — Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатини, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатларини — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши розилиги билан;



5) прокурор ва прокуратура терговчисини — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан йўл қўйилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 116-моддасида, гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўз розилиги билан сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар сифатида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги белгиланган.

Бироқ мазкур моддада иммунитет ҳуқуқига эга бўлган чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ходимларига нисбатан ҳам тадбиқ этилиши кўрсатиб ўтилмаган.

Фикримизча жиноят процессуал кодексининг мазкур моддасига чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ходимлари фақат ўз розилиги билан гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин деган бандни киритиш лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 115-моддасида, гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар сифатида ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида — судьяни ва халқ маслаҳатчисини, жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида — ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини, руҳий ҳолати бузилганлиги ёки жисмоний нуқсони сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, мазкур моддада Ўзбекистон Республикасининг экс-Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатлари учун ҳамда сенат аъзолари ва депутатларни ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида уларга маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилмаган.

Фикримизча, жиноят процессуал кодексининг мазкур моддасига гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг экс-Президентини, шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб сенат аъзолари ва депутатларни ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида уларга маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкин эмаслиги каби қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 239-моддасида иммунитет ҳуқуқида фойдаланадиган шахсларга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш тартиби белгиланган, бироқ мазкур моддада иммунитет ҳуқуқида эга бўлган адвокатлар, миллий гвардия ходимлари ва ички ишлар органлари тергов бўлинмалари суриштирувчилари, терговчилари ва уларнинг раҳбарларига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш тартиблари кўрсатиб ўтилмаган.



1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси адвокатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин кўрсатиб ўтилган.

2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходим) тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 341-моддасида ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчиларига, терговчиларига ва раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментининг терговчиларига, бўлинмалари раҳбарларига ва бошлиғига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўзғатилиши кўрсатиб ўтилган.

Фикримизча Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 239-моддасига қўшимча равишда қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси, Адвокатга, Миллий гвардия ходимларига ҳамда Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчиларига, терговчиларига ва раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин деган жумлани киритиш лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 223-моддасида ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар сифатида депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар кўрсатиб ўтилган ва уларни ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмаслиги (мазкур тақиқ ушбу Кодекснинг 221-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди) белгиланган.

Бироқ мазкур моддада иммунитет ҳуқуқига эга бўлган чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона, консуллик ваколатхона ходимларига, халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар ходимларига, адвокатларга, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаси ходимларига ва миллий гвардия ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши кўрсатиб ўтилмаган.



Фикримизча жиноят процессуал кодекснинг мазкур моддасига ушлаб туриш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар сифатида чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона, консулик ваколатхона ходимларига, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимларига, адвокатларга, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаси ходимларига ва миллий гвардия ходимларини ҳам қўшиш лозим.

Қонунчилигимизда иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари қатий белгиланиши ва мустақамланиши, жамиятда иммунитетга эга бўлган шахсларнинг ўзига юклатилган масъулиятли вазибаларни тўла-тўқис бажаришлари учун барча шароитларни яратиб берган бўлади.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Э.Бегматов. А.Мадвалиев ва бошқалар. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти.
2. Юридик энциклопедия. У.Таджиханов. “Шарқ” НМАКБТ. 2001
3. Халқаро ҳуқуқ дарслик. А.Саидов. “Адолат”. 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Президенти фаолиятининг асосий қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. (<https://lex.uz/uz/docs/32913>)
5. 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни. (<https://lex.uz/uz/docs/436950>)
6. 2004 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/436914>)
7. 2004 йил 27 августдаги “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/276159>)
8. 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/3321352>)
9. 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/5534923>)
10. 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/106197>)
11. 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/29626>)
12. 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/3027843>)
13. 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонун. (<https://lex.uz/uz/docs/5128310>)
14. 2001 йил 8 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари, Консулик муассасаларининг, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ҳамда улар ходимларининг Ўзбекистон



- Республикасидаги фаолияти тўғрисида”ги 207-сон Қарори.
(<https://lex.uz/uz/docs/338699>)
15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси
(<https://lex.uz/uz/docs/111460>).
16. Германия Федератив Республикасининг жиноят процессуал кодекси.
П.Головненков, Н.Спица. (<https://publishup.uni-potsdam.de/opus4-ubp/frontdoor/deliver/index/docId/6039/file/sdrs02.pdf>)
17. Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси consultant.ru 18.12.2021 йил № 174-ФЗ.